

Ўша 1946 йилда киш жуда чўзилиб кетди. Апрель келган бўлса-да, шаҳар кўчаларида совук шамол изгир, осмонда эса корли булутлар сузиб юрарди.

Дриоли исмли қария Риволи кўчаси бўйлаб огир кадам ташлаб борарди. У совукдан калтирар, кўриниши аянчли эди; кир бўлиб кетган қора палтосида у жайрани эслатар, кўтарилган ёқаси устидан эса кўзларигина кўриниб турарди. Қандайдир қахвахонанинг эшиги очилди ва ковурилган жўжанинг хидидан унинг очликдан тиришган қорнида огрик турди. У кўргазмага кўйилган буюмлар - атирлар, ипак бўйинбоғ ва кўйлақлар, такинчоклар, идишлар, мебел, китобларни томоша қилганича йўлида давом этди. Бир оздан сўнг у суратлар кўргазмаси олдига етиб келди. Илгарилари у суратлар кўргазмасини томоша қиларди. Пешойнада у биргина суратни кўрди. У суратни томоша қилиш учун тўхтади. Сўнгра яна йўлида давом этиш учун ўгирилди, бироқ шу захоти тўхтади ва яна суратга тикилди. Бирдан унинг қалбида енгил титроқ турди, хотираси ишга тушди. У суратга яна қаради. Унда табиат манзараси акс этганди - шамолдан дарахтлар бир томонга қийшайиб кетган, самода эса қора булут тўпланганди. Сурат остида: «Хаим Сутин (1894-1943)» деган ёзув бор эди.

Дриоли суратдан ўзига таниш нарсани топиш учун унга қаттиқ тикилди. Ваҳимали сурат, ўйлади у. Қандайдир галати ва ваҳимали... Лекин менга ёқди... Хаим Сутин... Сутин... «Ё, Худойим! - бехосдан хитоб қилди у. - Бу менинг қичкинтой қалмигим-ку! Менинг қичкина қалмигимнинг сурати. Парижнинг энг яхши кўргазмаларидан бирига кўйилган экан! Буни қара-я!».

Қария кўргазма ойнасига яқинлашди. У бу йигитчани аниқ-равшан эслади - ҳа, уни энди эслади. Бу қачон бўлган эди? Қолган нарсаларни эслаш осон эмасди. Бунга анча бўлди. Қачон эди? Йигирма - йўқ, ўттиз йилдан ҳам ошди. Ҳа, бу биринчи жаҳон урушидан бир йил илгари, 1913 йилда содир бўлганди. Худди шундай. У Сутинни, гамгин, доим ўйчан юрадиган бу қалмик йигитини ўшанда учратган эди.

У қандай зўр сурат чизарди! У энди аниқ эслади - кўчалар, ахлат тўла идишлар, лой хиди, ахлат титаётган мушуклар ва остонада оёқларини кўз-кўз қилиб турган семиз аёллар - ҳамма-ҳаммаси ёдига тушди. Бу кўчанинг номи нима эди? У қаерда яшарди? Сите-Фалгюерда, мана қаерда! Қария кўча номини эслай олганидан кўнгли тўлиб бошини силқитди. Йигитчанинг биргина курси ва қаработ жойлашган устахонаси шу кўчада эди.

Қизик, ўйлади Дриоли, қандай қилиб ҳамма нарса, ҳар бир майда-чуйда ипидан игнасиғача осонлик билан ёдига тушди?

Мана, масалан, татуировка воқеасини олайлик. Қандай бемаъни воқеа бўлганди.

Нимадан бошланган эди? Ҳа, у бойиб кетган ва вино сотиб олганди. У қўлтигига шиша солинган ҳалтани қистириб устахонага қириб келганида йигитча сурат чизаётган, Дриолининг хотини эса хона ўртасида ўтирган қун ёдига тушди.

- Бугун байрам қиламиз, - деди у. - Учовимиз қичкинагина байрам қиламиз.

- Нимани байрам қиламиз? - сўради йигитча унга қарамасдан. - Балки, хотининг менга турмушга чиқиши учун у билан ажрашишга қарор қилганингими?

- Йўқ, - деди Дриоли. - Бугун пул ишлаганимни байрам қиламиз.

- Мен эса пул топмадим. Буниям нишонласа бўлади.

- Албатта, агар истасанг.

Дриоли стол ёнида тугунни ечарди. У ўзини қарчаган сизди ва тезроқ вино ичгиси

келди. Бир кунда тўккизта мижоз - бу жуда яхши, лекин кўзни расво килади. Илгари ҳеч қачон бир кунда тўккизта мижоз келмаганди. Тўккиз нафар маст аскар, улар нақд пул тўлашди. Натижада у бойиб кетди. Лекин каттик зўрикиб ишлади. Дриоли чарчокдан кизариб кетган, огриётган кўзларини кидди. У шишаларни очишга киришди. Копкоклар пакиллаб очилди. Йигитча мўйкаламани кўйди.

- Ё, Худойим! - деди у. - Бунака шовкинда ишлаб бўладими, ахир?

Аёл суратга яқинлашди. Дриоли ҳам бир кўлида шиша, бир кўлида кадах ушлаганича унинг ёнига яқинлашди.

- Йўк! - кичкирди йигитча кутилмаганда кони кайнаб. - Илтимос, борманг! - У суратни девор томонга ўгириб кўйди. Бирок Дриоли уни кўришга улгурди.

- Менга ёқди.

- Дахшат.

- Ажойиб. Сен чизган суратлар ажойиб чиқади. Менга уларнинг барчаси ёқади.

- Хамма бало шундаки, - деди йигитча ковогини уйиб, - улар ейишга яроксиз. Уларни ея олмайман.

- Барибир улар ажойиб. - Дриоли унга вино тўла кадахни узатди. - Ич, - деди у. - Бу сенга кувват бўлади.

Ҳеч қачон, ўйлади у, бунчалик бахтсиз ёки кайгули киёфани умрида кўрмаган. У йигитчани етти ой илгари қахвахонада кўрганди. У ёлғиз ўзи ўтирар ва кўринишидан рус ёки осиеликка ўхшагани учун Дриоли унинг ёнига ўтириб гап котди:

- Сиз русмисиз?

- Ха.

- Каердансиз?

- Минскдан.

Дриоли ўрнидан сапчиб туриб уни кучокларкан, ўзи ҳам Минскдан эканлигини айтиб кичкирди.

- Умуман олганда, мен Минскдан эмасман, - деганди ўсмир ўшанда, - у ердан унча узок бўлмаган жойда тугилганман.

- Каерда?

- Смиловичида, Минскдан ўн икки мил узокда.

- Смиловичи! - хитоб килди Дриоли уни кучоклаганича. - Болалигимда у ерда кўп бора бўлганман. - Кейин у жойига ўтириб суҳбатдошининг юзига меҳр билан тикилди. -

Биласанми, - деди у, - сен Фарбда яшайдиган русларга ўхшамайсан. Сен кўпроқ татар ёки калмикка ўхшайсан. Сен хакикий калмиксан.

Енди эса устахонада Дриоли вино тўла кадахни бир кўтаришда бўшатган йигитчага тикилиб турарди. Ха, унинг юзи худди калмикларникидек - кенг ёнокли, бурни катта. Унинг кулоклари ҳам катта-катта эди. Бундан ташқари, кўзлари кисик, сочлари қора, лаблари калин, кўллари эса - бу кўллар уни доимо хайратга соларди, худди аёлларникидек нозик ва оппок, бармоклари ингичка эди.

- Яна куй, - деди йигитча. - Байрам байрамдек бўлсин.

Дриоли винони кадахларга бўлди ва курсига ўтирди. Йигитча Дриолининг хотини ўтирган синик каравотга ўтирди.

- Бугун тўйгунимизча ичамиз, - деди Дриоли. - Мен бойман. Яна вино олиб келаман. Неча шиша олиб келай?

- Яна олтита, - деди йигитча. - хар биримизга иккитадан.

- Яхши. Хозир олиб келаман.

- Мен сен билан бораман.

Дриоли кахвахонадан олти шиша ок вино сотиб олди ва улар устахонага кайтиб келишди. Улар шишаларни полга икки катор килиб теришди ва Дриоли уларнинг копкогини очгач, маишатни бошлаб юборишди.

- Факат жуда бой одамларгина, - деди Дриоли, - мана шундай байрам килишлари мумкин.

- Тўгри, - деди йигитча. - Сен хам шундай деб ўйлайсанми, Жози?

- Шунака.

- Тузукмисан, Жози?

- Ха.

- Дриолини ташлаб, менга тегмайсанми?

- Йўк.

- Зўр вино, - деди Дриоли. - Ичиб рохат киласан.

Улар шошмасдан ичишарди. Улар хар хил мавзуда сухбатлашишар, сўнгра винони макташар, кейин эса яна сухбатни давом эттиришарди. Бир оздан сўнг Дриоли чирокни ёкиш учун ўрнидан турди. У ўзини худди хавода сузиб кетаётгандек хис килди.

- Менга кара, - деди Дриоли. - Менда бир фикр бор. - У каравот ёнида чайкалиб турарди. - Менга кара, кичкина калмигим.

- Нима?

- Менда зўр фикр бор. Эшитяпсанми?

- Мен Жозини эшитяпман.

- Илтимос, гапимга кулок сол. Сен менинг дўстимсан ва менимча, сен шундай зўр рассомсан-ки, мен ажойиб бир расмга эга бўлмокчидим...

- Хаммасини ол. Факат хотининг билан гаплашишимга халакит берма.

- Йўк-йўк, гапимни эшит. Менда шундай расм бўлсинки, мен каерда бўлмай, сен чизган расм мен билан бўлсин. - У чўккалади ва йигитчанинг тиззасидан ушлади. - Илтимос, кулок сол.

- Гапини эшит, - деди хотини.

- Гап бундай. Сен менинг оркамга, теримга расм чизасан. Кейин эса бу расм хеч қачон ўчмаслиги учун унга игна юргизиб чиқасан.

- Каллангдан ўргилдим!

- Игнани қандай юргизишни ўргатаман. Бу жуда осон. Ёш бола хам эплайди.

- Мен ёш бола эмасман.

- Илтимос...

- Бутунлай ақлдан озибсан. Бунинг нима кераги бор сенга? - Рассом унинг кўзларига тикилди. - Худо ҳақки, айт-чи, бунинг нима кераги бор?

- Бу кийин эмас-ку! Осон-ку! Осон!

- Игна юргизишни айтяпсанми?

- Ха! Бирпасда ўргатиб кўяман!

- Бу кийин иш!

- Нима деяётганини билмаяпти, деб ўйлаяпсанми?

- Сен маст бўлиб қолибсан.

- Жозининг суратини чизардинг. Хотинимнинг суратини оркамга чиздиришга ҳақким йўкми?

- Жозининг?

- Ха. - Хотинининг исмини эслатиши билан йигитчанинг лаблари осилишини Дриоли биларди.

- Йўк, - деди хотини.
- Азизам Жози, илтимос. Мана бу шишадагини тугат, ўшанда янада жозибали кўринадан.
- Бу койилмаком фикр-ку. Умримда бунаканги фикрни хаёлимга келтирмаганман.
- Канака фикр?
- Сенинг расмингни оркамга чиздиришни. Бунга хакким йўкми?
- Менинг расмимни? Бемаъни фикр.
- Яхши фикр, - деди йигитча. - Бунинг учун ичса бўлади.
- Улар яна битта шишани бўшатишди. Кейин эса йигитча гап котди:
- Хеч нарса чикмайди. Татуировкани эплломайман. Кел, яхшиси оркамга сурат чизаман ва у сен чўмилмагунигча ўчмайди. Агар хеч қачон чўмилмасанг, умрингнинг охиригача қолади.
- Йўк, - деди Дриоли.
- Ха. Агар чўмилсанг, мен чизган суратни кадрламаган бўласан. Бу сенга имтиҳон бўлади
- менинг санъатимни кадрлармикансан.
- Бу менга ёкмаяпти, - деди Дриолининг хотини. - У сенинг санъатингни шунчалик кадрлайдики, бир умр чўмилмай ўтиб кетади. Ундан кўра татуировка бўла қолсин.
- Буни эплломайман.
- Бу жуда осон. Сенга икки дақиқада ўргатиб қўяман. Кўрасан. Хозир асбобларни олиб келаман. Игна ва бўёк - бори шу. Менда ҳар хил ранглар бор.
- Бўлмайди.
- Кўрасан, - деди Дриоли. - Хозир олиб келаман. - У ўрнидан турди ва хонадан чиқиб кетди.
- Ярим соатдан сўнг Дриоли қайтиб кирди.
- Хамма керакли нарсаларни олиб келдим! - хитоб қилди у жигарранг чамадонни силкитиб. - Татуировкачи учун керакли хамма нарса шунинг ичида.
- У чамадонни стол устига қўйиб очди ва унинг ичидан электр игналар ва турли рангдаги бўёқлар солинган идишчаларни олди. У электр игнанинг тугмачасини босди. Вижиллаган овоз эшитилди ва игнанинг учи титрай бошлади. Дриоли енгини шимарди.
- Энди қараб тур. Бунинг қанчалик осонлигини кўрасан. Қўлимга бирор нарсани чизаман. Унинг қўли тирсагигача ҳар хил суратлар билан қопланганди, лекин у ўз санъатини намойиш этиш учун қўлидан унча катта бўлмаган жой топа олди.
- Аввало ранг танлайман - мана бу қўқини... игна учини рангга ботираман... Хўш,... игнани тик холда ушлаб уни эҳтиёткорлик билан тери устида юргизаман... мана... қичкинагина мотор ва электр ёрдамида игна терини тешади, бўёк эса унинг остига қиради.
- Қўрдингми, жуда осон... қара, қўлимга итнинг расмини чиздим.
- Йигитча қизикиб қолди.
- Кел, мен ҳам синаб қўрай. Сенда.
- У вижиллаётган игна билан Дриолининг қўлига қўқ қизик қизишга киришди.
- Ха, ростдан ҳам осон экан.
- Жози, бу ёкка кел! - қичқирди Дриоли. У худди жуда зўр ўйинга тайёрланаётган боладек типирчиларди. - У қаерда туради?
- Стол ёнида турсин. Сочларини тараб олсин. У сочларини ёйиб тарасин - уни ана шу холида чизаман.
- Зўр, сен дахосан.
- Аёл қўлида қадахни ушлаганича истамайгина стол ёнига келди.
- Дриоли қўйлагини ечиб ташлади. У жойида турганича чайқаларди. Унинг бадани ок,

деярли туксиз эди.

- Хўш, - деди у, - мен каерга тураман?

- Курсига ўтир. Бўл тезрок, ишни бошлайман.

- Мен тайёрман.

- Аввал, - деди йигитча, - расм чизаман. Агар яхши чикса, татуировка билан шугулланаман. - У Дриолининг оркасига чўткасини юргизди.

- Эй! Эй! - кичкирди Дриоли. - Оркамда киркоёк юрибди!

- Жим ўтир! Кимирлама!

Йигитча тезда ишга киришди. У ярим соатдаёк ишини тугатди.

- Мана, бўлди, - деди у Жозига ва Жози шу захоти каравотга ўзини ташлаб ухлаб колди. Дриоли эса ухлмасди. У йигитча игнани олиб уни бўёкка ботиришини кузатиб турди, кейин эса елкасида ачишишни туйди. Нохуш, лекин чидаса бўладиган огрик унинг уйкусини кочирди. Йигитча гайритабий завк билан ишларди. У ўз ишига берилиб кетганди.

Ярим тун бўлганда ҳам йигитча ишлаётганди. Дриоли рассом бир кадам ортга чекиниб «Бўлди» деганида тонг отиб, кўчада одамлар пайдо бўла бошлаганини хотирлади.

- Суратни кўрмокчиман, - деди Дриоли.

Йигитча ойна олиб уни кийшайтирди ва Дриоли бошини бурди.

- Ё, Худо! - хитоб килди у.

Унинг бутун бадани, елкасидан белигача турфа ранг бўёкларга тўлиб кетганди. Игна излари шунчалик калин эдики, сурат худди мойбўёкда чизилгандек эди. Йигитча зўр ишлаганди. Сурат худди тирикдек эди.

- Зўр!

- ўзимга ҳам ёкяпти. - Йигитча оркага кадам ташлаб ишига танкидий назар ташлади. - Биласанми, - деди у, - унинг остига имзо чексам яхши бўлади. - У вижиллайдиган игнани олиб, Дриолининг буйраги жойлашган ерга имзосини кўйди.

Кария Дриоли пешойнадаги суратга тикилганича тошдек котиб турарди. У эслаётган воқеалар анча йиллар бурун бўлган, худди унинг илгариги хаётида юз бергандек эди. Йигитча-чи? Унга нима бўлганди? У урушдан келибок Жозидан уни сўраганини эслади:

- Менинг кичкина калмигим кани?

- Кетди, - деганди у ўшанда. - Каёкка кетганини билмайман-у, лекин эшитишимча, уни қандайдир бойвачча ишга ёллабди ва сурат чиздириш учун Серега олиб кетибди.

- Балки, у кайтиб келар?

- Балки. Ким билади дейсан?

ўшанда у ҳақда сўнги марта эслашганди. Шундан сўнг улар тез орада денгизчилар ва иш кўп Гавр шахрига кўчиб кетишди. Кария Гаврни эслаб жилмайди. Урушлар ўртасидаги бу йиллар зўр ўтганди: порт яқинида унинг устахонаси, шинам уйи бор эди ва хар куни кўлига сурат чиздирмокчи бўлган денгизчилар унинг олдига келиб туришарди. ўша давр хакикатан ҳам зўр эди.

Кейин эса уруш бошланди, немислар пайдо бўлишди, Жози халок бўлди ва хаммаси тугади. Энди унинг суратлари ҳеч кимга керак бўлмай колганди. Бошка иш килишга эса у анча қариб колганди. У тушкун кайфиятда омади келишига умид килиб Парижга кайтди. Аммо омади келмади.

Мана, уруш ҳам тугади ва эски хунарини яна давом эттиришга унинг на пули, на кучи бор. Тиланчилик килишни ёқтирмайдиган кария нима билан шугулланиши мумкин? Очликдан ўлмаслик учун яна нима килса бўлади?

Хўш-хўш, ўйлади у суратга тикилганича. Демак, бу менинг кичкина калмигимнинг иши. Бир неча дакика илгари оркасида сурат борлиги унинг эсида ҳам йўк эди. У буни аллақачон унутиб юборганди. У пешойнага якинрок бориб ичкарига мўралади. Деворга кўплаб суратлар осилган ва чамаси, уларнинг ҳаммаси битта рассом томонидан чизилган эди. Кўрғазмани томоша килаётганлар кўп эди. Тушунарли, бу шахсий кўрғазма. Ички тугёнга бўйсунган Дриоли эшикни очди ва ичкарига кирди.

Бу кизил гилам тўшалган узун бино эди ва - Ё, Тангрим - бу ер қандай чиройли ва иссик! Одамлар суратларни томоша қилиб юришарди. Дриоли остонада турганча уларга аралашиб кетишни ўйлай бошлади. Лекин у кадам ташлашга улгурмай кимнингдир овози янгради:

- Сизга нима керак?

Гапирган киши кора костюм-шимда эди. У ок юзли, тўладан келган эди. Унинг юзи шундай семиз эдики, ёноклари худди спаниел зотли итнинг кулоқларидек осилиб тушганди. У Дриолига яқинлашди ва яна сўради:

- Сизга нима керак?

Дриоли жим турарди.

- Мархамат қилиб чиқиб кетсангиз.

- Суратларни томоша қилсам бўлмайдимми?

- Чиқиб кетинг.

Дриоли жойидан кўзгалмади. Бирдан у ўзининг қахрга тўлаётганини хис қилди.

- Келинг, жанжал кўтармайлик, - деди халиги киши. - Мархамат, бу ёкка. - У семиз кўли билан Дриолининг кўлидан ушлаб эшик томон тортди.

У бунга чидаб туrolмади.

- Ифлос кўлларингни торт! - кичкирди Дриоли.

Унинг овози кўрғазманинг узун зали бўйлаб таралди ва ҳамма у томонга қаради.

Хизматчилардан бири ёрдамга шошилди ва энди Дриолини икки киши бўлиб эшик томон судрай бошлашди. Одамлар уларнинг қурашини жимгина кузатишарди.

- Менда ҳам, - кичкирди Дриоли, - менда ҳам бу рассомнинг асари бор! У менинг дўстим эди, у менга сурат совга қилган!

- Жинни.

- Телба. Ақлдан озган.

- Политсияни чақириш керак.

Кескин ҳаракат қилган Дриоли қутилмаганда уларнинг кўлидан чиқиб кетди ва кўрғазма зали бўйлаб югураркан, кичкирди:

- Хозир кўрсатаман! Кўрасизлар! - У палтосини ечди, кейин костюм ва кўйлагини улоқтирди ва одамларга оркасини ўгирди. - Хўш? Кўряпсизларми? Мана!

Бирдан атрофга жимлик чўқди, ҳамма жойида қотиб қолди. Йигилганлар татуировкага қараб туришарди. У ўчиб кетмаган, ранглар хали ҳам ёркин турар, лекин қария озиб кетгани учун сурат гижимлангандек кўринарди.

Кимдир хитоб қилди:

- Гапи рост экан!

Шу захоти ҳамма ҳаракатга қелди, қарияни ўраб олишди.

- Бунга шубҳа йўк!

- Унинг дастлабки пайтлардаги услуби, шундай эмасми?

- Ажойиб!

- Қаранг, имзоси ҳам бор экан!

- Сал эгилинг, сурат текисрок бўлсин.
  - Жуда эскига ўхшайди, қачон чизилган?
  - Бир минг тўққиз юз ўн учинчи йилда, - жавоб килди Дриоли. - Кузда.
  - Сутинга татуировка қилишни ким ўргатган?
  - Мен.
  - Бу аёл ким?
  - Хотиним.
- Кўргазма хўжайини одамлар орасидан ўтиб Дриолининг ёнига келди.
- Жаноб, - деди у. - Мен уни сотиб оламан.
- Дриоли унинг бакбакалари қандай силкинганини кўрди.
- Мен уни сотиб оламан, деяпман.
  - Уни қандай қилиб сотиб оласиз? - сўради Дриоли.
  - Бу сурат учун икки юз минг франк бераман.
  - Рози бўлманг! - деди кимдир орқадан унинг қулогига пичирлаб. - У йигирма баробар киммат туради.
- Дриоли нимадир дейиш учун огиз жуфтлаган эди. Лекин ҳеч нарса дея олмай огзини юмди, кейин яна очди:
- Лекин уни қандай сота оламан? - Унинг овозида қайгу оҳанги бор эди.
  - Ха! - дейишди йигилганлар. - Уни қандай сотади? Сурат унинг бўлаги-ку!
  - Менга каранг, - деди хўжайин. - Сизга ёрдам бераман. Сизни бой қиламан. Иккаламиз қелишиб олишимиз мумкин.
- Кўнгли ноҳуш нарсани сезган Дриоли унга қаради.
- Лекин уни қандай қилиб сотиб оласиз, жаноб? Уни сотиб олиб нима қиласиз? Қаерда саклайсиз? Уни қаерга қўясиз?
  - Қаерда саклайман? Қаерга қўяман? Хўш... - Хўжайин бурнини кашлади. - Менимча, - деди у, - агар суратни сотиб олсам, сизни ҳам сотиб оламан. Хамма бало мана шунда. - У жим бўлиб қолди ва яна бурнини кашлади.
  - Сиз тирик экансиз, суратнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Ёшингиз нечада, дўстим?
  - Олтмиш бирда.
  - Соғлигингиз унчалик яхшимасдир, а? - Хўжайин Дриолига худди қари отни баҳолаётгандай назар ташлади.
  - Бу менга ёкмаяпти, - деди Дриоли тисариларкан. - Тўгриси, бу менга ёкмаяпти. У ортига тисариларкан, бўйи баланд кишига урилди. Дриоли ўғирилди ва узр сўради. Киши эса жилмайди ва қўлқоп тақилган қўли билан қариянинг ялангоч елкасига шাপатилади.
  - Менга каранг, дўстим, - деди у жилмайганича. - Сиз чўмилишни ва офтобда тобланишни ёқтирасизми?
- Дриоли унга кўркув билан назар ташлади.
- Лаззатли таомларни ва Бордонинг машхур қизил виносини яхши кўрасизми? - Киши оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди. Унинг қўли хали ҳам Дриолининг елкасида турарди. - Ёқадими?
  - Хм... ха, - жавоб қайтарди Дриоли. - Албатта.
  - Гўзал аёллар-чи?
  - Албатта.
  - Сиз учун махсус тикилган костюм ва қўйлақлар-чи? Сизга қийим лозимга ўхшайди.
- Дриоли унинг таклифини кутиб турарди.

- Оёгингизга мос пояфзални охирги марта қачон кийганингизни эслай оласизми?

- Йўк.

- Кийишни истармидингиз?

- Биласизми...

- Хар куни эрталаб соколингизни олишни-чи?

Дриоли унинг кўзларига бокди ва ҳеч нима демади.

- Ётоқхонангизда нонуштангизни олиб келадиган хизматкорни чакириш учун

кўнгиругингиз бўлишни-чи? Шуларнинг ҳаммасига эга бўлишни истармидингиз?

Дриоли унга жим қараб турарди.

- Биласизми, мен Канндаги «Бристол» меҳмонхонасининг хўжайиниман. Сизга ўша ерда

умрингизнинг охиригача менинг меҳмоним сифатида яшашни таклиф қиламан. - У

сухбатдошига бундай ёркин келажакни тасаввур қилиб рохатланиши учун имконият

бериш мақсадида бир оз жим турди. - Сизнинг ягона мажбуриятингиз - буни рохат десам

ҳам бўлади - сохилда биргина ич кийимда юриш, чўмилиш бўлади. Хохлайсизми?

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

- Тушуняпсизми - барча меҳмонлар шу тарзда Сутиннинг ажойиб асарини кўришлари

мумкин бўлади. Сиз машҳур бўлиб кетасиз ва сиз хакингизда: «Анови кишини қара,

орқасида ўн миллион франк билан юрибди» дейишади. Қалай, ёқадими?

Дриоли кўлқопли киши хазиллашмаяптимикин, дегандай қаради.

- Фикрингиз зўр, - деди у. - Лекин жиддий айтяпсизми?

- Албатта.

- Тўхтанг, - гапга аралашди кўрғазма хўжайини. - Менга қаранг, қария. Мана, нима

қиламиз. Мен суратни сотиб оламан ва жарроҳ сизнинг терингизни шилиб олади. Сиз

мен берган пулни олиб истаган тарафингизга кетаверасиз.

- Орқам шилинган холда-я?

- Йўк-йўк, нима деяпсиз? Мени нотўғри тушундингиз. Жарроҳ сизга янги тери кўяди. Бу

осон.

- Буни қила оладими?

- Бунинг кийин жойи йўк.

- Бунинг иложи йўк! - деди кўлқоп таккан киши. - У терини алмаштириш учун ўта қари. У

ўлиши мумкин. ўлиб қолингиз мумкин, дўстим.

- Ростдан-а?

- Табиий. Сиз оператсияни кўтара олмайсиз. Суратга эса ҳеч нарса бўлмайди.

- Э, Худойим! - кичкирди Дриоли.

У дахшатга тушди, у атрофини ўраб турган одамларга бир-бир қараб чикди ва

кимнингдир овозини эшитди:

- Агар бу қарияга яхши пул таклиф қилсак, эҳтимол, у шу ернинг ўзида ўзини-ўзи

ўлдиришга рози бўлар. Нима дейсизлар?

Бир неча киши хиринглади. Кўлқопли киши яна Дриолининг елкасига кўлини кўйди.

- ўзингиз ҳал қилинг, - деди у оппоқ тишларини кўрсатганича илжайиб. - Юринг,

овқатланиб гаплашамиз. Қорнингиз очдир?

Дриоли унга ковогини уйиб қаради. Унга бу киши ёқмаётганиди.

- Қовурилган ўрдак ва бир шиша «Шамбертен»га тобингиз қалай? - сўради у киши. - Ёки

ширинликларга.

Дриоли шифтга тикилди, унинг оғзидан сув оқиб кетди.

- Қанақа ўрдакни ёқтирасиз? - давом этди киши. - Яхши қовурилганини ё...



- Кетдик, - деди Дриоли. У кўйлагини олиб тезда кийди. - Кетдик, жаноб.  
Бир дакикадан сўнг у янги хўжайини билан кўрғазмани тарк этди.  
Бир неча хафтадан кейин Сутиннинг дастлабки пайтларда терига чизган аёл киши  
сурати Буенос-Айресда сотувга кўйилди. Яна бир нарса. Каннда «Бристол» номли  
мехмонхонанинг йўклиги кишини хавотирга солади. Ишкилиб, кария омон бўлсин-да.

Дилшодбек Аскарлов таржимаси